

“КОНВИН” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИНИНГ
1-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

2018 йил 02 июнь
соат 16:00

Ғазалкент шаҳри,
Заводская кўчаси, 48-уй

“KONVIN” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда “Жамият” деб юритилади) томонидан муомалага чиқарилган жами акциялар сони 539 168 дона, шундан овоз берувчи акциялар 529 376 дона, жамият акциядорларининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акциялари сони 353 228 дона. Йиғилиш кворуми 65,511 фоиз.

Раислик қилди: Т.Абидов – Кузатув кенгаши раиси.

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаш аъзолари: А.Исмоилов, А.Олимов

Жамият акциядорлари ва акциядорларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Бошқарув раиси: Ф.Нарметов

Бош ҳисобчи: Ш.Юсубахмедов

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорлари умумий йиғилиши раёсатини (президиумини) сайлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши раёсатига (президиумига) Т.Абидов – Кузатув кенгаши раиси, А.Исмоилов – Кузатув кенгаши аъзоси, “Конвин” АЖ бошқарув раиси - Ф.Нарметов, Йиғилиш котиби – Э.Султонов сайлансин.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

ЭШИТИЛДИ:

Йиғилиш раиси – Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибини тасдиқлаш тўғрисида.

(Бир овоздан маъқулланди)

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин.

КУН ТАРТИБИ:

1) Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

- 2) Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
- 3) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- 4) Жамиятда 2017 йил корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботини ва қабул қилган қарорларини тасдиқлаш тўғрисида;
- 5) Жамият Бошқарув раисининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида;
- 6) Жамият тафтиш комиссиясининг 2017 йил натижалари бўйича ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;
- 7) “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ҳамда халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисоботи ва хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида;
- 8) Жамиятнинг 2017 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисида;
- 9) Жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида;
- 10) 2017 йил якунлари бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботи тўғрисида ва унинг натижасида жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисида;
- 11) Жамиятнинг 2018 йилга бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида;
- 12) Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида;
- 13) Жамият Тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш тўғрисида;
- 14) Жамият Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш уни қайта тузиш ёки бекор қилиш тўғрисида;
- 15) Жамиятнинг узоқ муддатли стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида;
- 16) Жамиятнинг 2018 йил фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 17) 2013-2016 йил якунлари бўйича жамиятни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига қўшимча акцияларни чиқариш орқали жамият устав фондини ошириш масаласини кўриб чиқиш;
- 18) Эгаси ёки қонуний ҳуқуқий вориси, меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш тўғрисида;
- 19) Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала йиғилиш раиси Т.Абидов жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги тартибда йиғилиш регламенти тасдиқлашни таклиф этди:

- маърузага чиқувчиларга (ҳисобот берувчиларга) - **10** дақиқагача;
- кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича - **5** дақиқагача;
- музокарага чиқувчилар учун - **5** дақиқагача вақт ажратиш.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Т.Абидов сўзга чиқиб, жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни тасдиқлашни таклиф этди:

1. Ш.Раимбеков – “KONVIN” АЖ бўлим бошлиғи;

2. Ш.Хакимжанова – “KONVIN” АЖ бош технолог;
3. Б.Асирбоев – “KONVIN” АЖ солиқлар бўйича ҳисобчи.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият бошқарув раиси Ф.Нарметов сўзга чиқиб, “Ўзшаробсаноат” АЖнинг 2018 йил 25 апрелдаги 11/1186-сонли мурожаатига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сонли қарорига асосан “Конвин” АЖнинг тасдиқланган штат бирликлари доирасида ўзларининг штат жадвалларига илм-фан ва инновациялар бўйича раҳбар ўринбосарлари лавозимини киритиш ва ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилганлигини таъкидлади.

Кун тартибидаги масала бўйича жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Т.Абидов сўзга жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йилида Кузатув кенгашининг иш режасига мувофиқ ва навбатдан ташқари 7 маротоба, шу жумладан ҳисобот чоракларини якуни бўйича, акциядорларнинг умумий йиғилишларини чақириш, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бизнес-режасини маъқуллаш, ижроия орган самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилишини кўриб чиқиш масалалари бўйича мажлислар ўтказилди ҳамда ушбу мажлисларда амалдаги қонунчиликда ва жамият Уставига асосан Кузатув кенгаши ваколоти доирасида қарорлар қабул қилинганлиги тўғрисида акциядорларга ҳисобот берилди (ҳисобот илова қилинади).

Кун тартибидаги масала бўйича Кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилишидан сўралди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан жамият Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи В.Нарметов сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан жамиятни 2017 йилги бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан қуйидагича ҳисобот берди. Ҳусусан, “Конвин” акциядорлик жамиятида 2017 йил якуни бўйича:

- маҳсулот (товар, иш ва хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушуми ўтган йилнинг шу даври (16 236 271 минг сўм)га нисбатан 4 808 271,0 минг сўмга кўпайиб, Бизнес-режа кўрсаткичи (19 401 690,0 минг сўм)га нисбатан 1 642 852,0 минг сўмга ёки 8,5%га камайиб, 21 044 542,0 минг сўмни;

- соф фойда миқдори ўтган йилнинг шу даврига (1 167 292,0 минг сўм)га нисбатан 557 799,0 минг сўмга ёки 67%га камайиб, бизнес-режа кўрсаткичи (1 680 000,0 минг сўм)га нисбатан 569 031,0 минг сўмга ёки 66%га камайиб, 1 110 969,0 минг сўмни ташкил этди.

Йиғилиш раиси жамиятнинг 2017 йил бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари бажарилмаганлигини (соф фойда, маҳсулот ишлаб чиқариш) инобатга олиб, 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича белгиланган кўрсаткичларга эришиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлади ва жамият бошқаруви раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги масала юзасидан жамият Бошқарув раисининг 2017 йилдаги фаолиятини қониқарсиз ҳамда етарли даражада эмас деб баҳолаш ва ҳисоботини тасдиқлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан жамият Тафтиш комиссиясининг 2017 йил учун тузган ҳисоботини жамият бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисобот сўнгида жамият Тафтиш комиссиясининг 2017 йил учун тузган ҳисоботини тасдиқлаш юзасидан қарор қабул қилиш акциядорлардан сўралди.

Кун тартибидаги еттинчи масала жамият Бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов мажлис қатнашчиларини “OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ва халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари ва хулосалари билан таништирди.

“OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ва халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари ва хулосаларини тасдиқлаш таклиф қилинди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан жамият бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов мажлис қатнашчиларини 2017 молия-хўжалик йили яқунлари бўйича жамиятнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботлари билан таништирди (бухгалтерия баланси-Ф1 ва молиявий натижалар-Ф2 илова қилинади).

Муҳокамага чиққан йиғилиш раиси жамиятнинг 2017 молия-хўжалик йили яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлар ва халқаро стандартлар бўйича ташқи аудиторлик ташкилотлар томонидан ижобий хулосалар берилганлигини инобатга олиб, 2017 молия-хўжалик йили бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботларини тасдиқлашни таклиф этди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган.

Йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамият 2017 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича Кузатув кенгаши тавсияларига асосан жамиятнинг **1 110 969,0 минг** сўм миқдоридagi соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш таклиф этилди:

- жамиятнинг захира фондини шакллантиришга – 55 548,45 минг сўм, 5 %;
- жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш учун – 288 839,15 минг сўм, 29%;
- хомийлик ва хайриялар учун – 100 000,0 минг сўм, 9%;
- жамият акцияларига дивиденд тўлаш учун – 555 484,5 минг сўм, 50% миқдорда, шундан:

- **имтиёзли акциялар учун** – 6 426,0 минг сўм ёки бир дона акция учун 656,25 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз;

- **оддий акциялар учун** – 549 058,5 минг сўм ёки бир дона акция учун 1 037,18 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 39,51 фоиз;

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлаш таклиф этилмоқда. Тўлов шакли – нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали. Дивидендларни тўлаш бошланадиган санаси 09.06.2018 йил ҳамда дивидендларни тўлаш тугалланадиган санаси 09.08.2018 йил этиб тасдиқлансин.

- жамиятнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантиришга – 111 096,9 минг сўм, 10%.

Кун тартибдаги ўнинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси А.Олимов сўзга чиқиб, 2017 йил якунлари бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Ушбу ҳисобот натижалари бўйича 2018 йил 22 майдаги хулосасига кўра Корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “қониқарли” бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланган саволнома асосида 170 балл, яъни 14,17 %ни ташкил этган.

Шунгдек, у жамият акциядорларнинг 2017 йил 26 июндаги умумий йилиши қарори билан тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомнинг 46-бандида жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими “қониқарли” деб баҳоланган тақдирда, ушбу Низом асосида фаолият олиб борган ҳар бир (ой) даври учун жамият Кузатув кенгаши раисига энг кам иш ҳақининг 9 баробарида (18 601 920 сўм), Кузатув кенгаши аъзоларига эса энг кам иш ҳақининг 8 бароварида (16 535 040 сўм) рағбатлантириш белгиланганлигини таъкидлаб ўтди.

Бунда, ушбу Низом асосида жамият Кузатув кенгаши раиси ва унинг аъзоларини белгиланган тартибда рағбатлантириш уларинг фаолият олиб борган ҳар бир (ой) даври учун бугунги кунга қадар тўланган маблағларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибдаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Кун тартибдаги ўн биринчи масала юзасидан жамият жамият бош бухгалтери сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил учун тузилган Бизнес-режасининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари билан акциядорлар ва уларнинг вакилларини таништирди. Ушбу бизнес режа “Ўзшаробсаноат” АЖ томонидан билан келишилганлигини таъкидлади. Бизнес режада 3 млрд. сўм соф фойда олиши режалаштирилган.

Жамиятнинг 2018 йил учун тузилган Бизнес-режаси лойиҳаси йиғилиш қатнашчиларига тақдим этилди.

Муҳокамадан сўнг, кун тартибдаги масала юзасидан йиғилиш раиси бюллетенлар орқали овоз беришни сўради.

Кун тартибдаги ўн иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Т.Абидов сўзга чиқиб жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича “Ўзшаробсаноат” АЖнинг 2018 йил 26 апрелдаги 19/1218-сонли ва “MARELLI” МЧЖнинг 2018 йил 1 мартдаги 01/03-18-сонли хатлари орқали тақдим этган номзодларини ўқиб эшиттирди.

- | | |
|------------------------------|------------------------------------|
| 1. Акмал Гаффаров | “Ўзшаробсаноат” АЖ бўлим бошлиғи; |
| 2. Зиёдулла Джахангиров | “Ўзшаробсаноат” АЖ бош мутахассиси |
| 3. М.Бекташова | “Ўзшаробсаноат” АЖ бош мутахассиси |
| 4. Усмон Туракулов | “Ўзшаробсаноат” АЖ бош мутахассиси |
| 5. Таджиев Рустам Чингизович | “MARELLI” МЧЖ таъсисчиси |
| 6. Камбаров Насир Музрафович | “MARELLI” МЧЖ таъсисчиси |
| 7. Музрофов Аббос Носир ўғли | “MARELLI” МЧЖ таъсисчиси |

Мухокамадан сўнг жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларга алохида бюллетень орқали кумулятив овоз бериш йўли билан овоз беришлари акциядорларга тушинтирилди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Т.Абидов сўзга чиқиб жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича “Ўзшаробсаноат” АЖ 2018 йил 26 апрелдаги 19/1218-сонли ва “MARELLI” МЧЖнинг 2018 йил 1 мартдаги 01/03-18-сонли хатлари орқали тақдим этган номзодларини ўқиб эшиттирди.

- | | |
|------------------------------|------------------------------------|
| 1. О.Худойназаров | “Ўзшаробсаноат” АЖ бўлим бошлиғи |
| 2. А.Умаров | “Ўзшаробсаноат” АЖ бош мутахассиси |
| 3. Таджиев Санжар Рустамович | “MARELLI” МЧЖ таъсисчиси |

Ушбу номзодлар жамият кузатув кенгашининг мажлисида кўриб чиқилганлиги ҳамда бу номзодлар жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши мухокамасига киритилганлиги ҳақида маълумот бериб, номзодларга овоз бериш таклиф этилди.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, жамият бошқарув раиси Ф.Нарметов билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш масаласи “Ўзшаробсаноат” АЖнинг тегишли кўрсатмасига асосан жамият Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Нарметов Фатхулла Маликович билан тузилган шартномаси муддатини 2018 йилги Бизнес-режасида белгиланган соф фойда кўрсаткичларига эришиш шarti билан 1 (бир) йил муддатга узайтиришни таклиф этди.

Шундан сўнг, Йиғилиш раиси сўзга чиқиб, мазкур масала бўйича овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан жамият бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йилдаги Жамиятни узоқ ва ўрта муддатга белгиланган стратегияси ҳақида маълумот берди. Бунда жамиятнинг келгусида амалга оширилиши лозим бўлган янги лойиҳалар ва режалар билан йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича жамият бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов сўзга чиқиб, жамият томонидан жорий йилнинг 20 апрель куни жамиятнинг расмий веб-сайти (www.aokonvin.uz) ва Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) орқали “KONVIN” АЖнинг 2018 йил фаолиятини текшириш учун Аудиторлик ташкилотларига танлов бўйича эълонлар берилганлигини айтди ва унинг натижасида қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан т аклиф билдирилганлиги айтди:

1. “Глобал-Аудит” МЧЖ - 8 000,0 минг сўм;
2. “Аудит-Варн” МЧЖ - 10 000,0 минг сўм;

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича жамият бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов сўзга чиқиб, 2013-2016 йиллар якуни бўйича бўлиб ўтган акциядорлар умумий йиғилиш қарорларига асосан олинган соф фойда миқдоридан

жамият ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жами 2 779 013 376,34 сўм йўналтирилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси ушбу маблағлар ҳисобига кўшимча акцияларни чиқариш орқали жамият устав фондиди ошириш масаласини жамият Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқиш учун қолдиришни таклиф этди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришни сўради.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича жамият бош бухгалтери Ш.Юсубахмедов сўзга чиқиб, 2012 – 2014 йиллар якуни бўйича ҳисобланган миқдордаги дивидендлар (илова қилинади) эгаси ёки қонуний ҳуқуқий вориси, меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 51-моддасида эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолиши белгиланганлигини таъкидлаб, ушбу 2012 – 2014 йиллар якуни бўйича ҳисобланган миқдордаги дивидендлар (илова қилинади)ни жамият ихтиёрида (фойдага олиш) қолдириш таклифини билдирди.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича йиғилиш раиси сўзга чиқиб, “Ўзшаробсаноат” АЖнинг 2018 йил 25 апрелдаги 11/1186-сонли мурожаати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 мартдаги 195-сонли қарорига мувофиқ Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш топширилганлигини таъкидлади.

Жамият Уставнинг 46-моддасида жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этиши кўрсатилган. Шунга кўра, Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (фонди)ни ташкил этиш таклиф этилди. Шундан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришни сўради.

Кун тартибига киритилган барча масалалар кўриб чиқилиб, “Конвин” АЖ акциядорлари умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Кун тартибининг биринчи масаласи бўйича:

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиш регламентини тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича:

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг саноқ комиссияси таркиби қуйидаги таркибда тасдиқлансин: 1. Ш.Раимбеков; 2. Ш.Хақимжанова; 3. Б.Асирбоев.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

3. Кун тартибининг учинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

4. Кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича:

Жамиятда 2017 йил корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиниши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботини ва қабул қилган қарорлари тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

5. Кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича:

Жамият Бошқарув раисининг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

6. Кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича:

Жамият тафтиш комиссиясининг 2017 йил натижалари бўйича ҳисоботи ва ҳулосаси тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

7. Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича:

“OSIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ҳамда халқаро аудит стандартларига асосан ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисоботи ва ҳулосаларини тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

8. Кун тартибининг саккизинчи масаласи бўйича:

Жамиятнинг 2017 йил учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботлари тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

Жамият 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Кузатув кенгаши тавсияларига асосан жамиятнинг **1 110 969,0** минг сўм миқдоридаги соф фойдасини қуйидагича тақсимлансин:

- жамиятнинг захира фондини шакллантиришга - 55 548,45 минг сўм, 5 %;

- жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик жамият устав фондига капитализация қилиш учун - 288 839,15 минг сўм, 29%;

- хомийлик ва хайриялар учун – 100 000,0 минг сўм, 9%;

- жамият акцияларига дивиденд тўлаш учун - 555 484,5 минг сўм, 50% миқдорда, шундан:

- **имтиёзли акциялар учун** - 6 426,0 минг сўм ёки бир дона акция учун 656,25 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 25 фоиз;

- **оддий акциялар учун** - 549 058,5 минг сўм ёки бир дона акция учун 1 037,18 сўм ёхуд номинал қийматига нисбатан 39,51 фоиз;

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилган санадан 60 кун давомида ўрнатилган тартибда пул маблағлари билан тўлаш таклиф этилмоқда. Тўлов шакли – нақд ёки пул ўтказиш йўли орқали. Дивидендларни тўлаш бошланадиган санаси 09.06.2018 йил ҳамда дивидендларни тўлаш тугалланадиган санаси 09.08.2018 йил этиб тасдиқлансин.

- жамиятнинг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантиришга - 111 096,9 минг сўм, 10%.

(ёқлайман – йўқ, қаршилар - 353 228 овоз – 100%; бетарафлар - йўқ)

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

10.1 2017 йил якунлари бўйича “OSIYO-AUDIT” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича 2018 йил 22 майдаги ҳисоботи ва унинг натижасида “қоникарли” деб баҳоланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

10.2. Ушбу ҳисобот натижалари асосида Кузатув кенгаши раиси олиб борган ҳар бир (ой) даври учун жамият энг кам иш ҳақининг **9** баробарида (18 601 920 сўм), Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳар бирига эса энг кам иш ҳақинининг **8** бароварида (16 535 040 сўм) рағбатлантирилсин.

10.3. Бунда, жамият Кузатув кенгаши раиси ва унинг аъзоларини белгиланган тартибда рағбатлантириш уларнинг фаолият олиб борган ҳар бир (ой) даври учун бугунги кунга қадар тўланган маблағларни инобатга олган ҳолда амалга оширсин.

10.4. 2017 йил бўйича Жамият Кузатув кенгаши раиси ва унинг аъзоларини белгиланган тартибда рағбатлантирилишини таъминлаш жамият Бошқарув раиси Ф.Нарметовга юклатилсин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

11. Кун тартибдаги ўн биринчи масала бўйича:

Жамиятнинг 2018 йилга бизнес-режасини тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

12. Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича:

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш юзасидан кумулятив овоз бериш натижалари:

- Акмал Гаффаров - 353 228 овоз;
- Зиёдулла Джахангиров - 353 228 овоз;
- Усмон Туракулов - 353 228 овоз;
- М.Бекташова - 353 228 овоз;
- Таджиев Рустам Чингизович - 353 228 овоз;
- Камбаров Насир Музрафович - 353 228 овоз.
- Музрофов Аббос Носир ўғли - 353 228 овоз

Кузатув Кенгаши қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

1. Акмал Гаффаров,
2. Зиёдулла Джахангиров,
3. Усмон Туракулов,
4. М.Бекташова,
5. Таджиев Рустам Чингизович,
6. Камбаров Насир Музрафович,
7. Музрофов Аббос Носир ўғли.

13. Кун тартибдаги ўн учинчи масала бўйича:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлансин:

- О.Худойназаров;
- А.Умаров ;
- Таджиев Санжар Рустам угли.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

14. Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала бўйича:

Жамият Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Нарметов Фатхулла Маликович билан тузилган шартномаси муддатини 2018 йилги Бизнес-режасида белгиланган соф фойда кўрсаткичларига эришиш шарти билан 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

15. Кун тартибдаги ўн бешинчи масала бўйича:

Жамиятнинг узоқ муддатли стратегияси тасдиқлансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

16. Кун тартибдаги ўн олтинчи масала бўйича:

16.1. Жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ҳамда халқаро аудит стандартларига асосан ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш “Глобал-Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилсин.

16.2. “Глобал-Аудит” МЧЖ Аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳаққининг миқдори 8 000,0 минг сўм сўм қилиб белгилансин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

17. Кун тартибдаги ўн еттинчи масала бўйича:

2013-2016 йил якунлари бўйича жамиятни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига қўшимча акциларни чиқариш орқали жамият устав фондиди ошириш ҳамда қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин.

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

18. Кун тартибдаги ўн саккизинчи масала бўйича:

Эгаси ёки қонуний ҳуқуқий вориси, меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган 2012 – 2016 йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивидендлар жамият ихтиёрида (фойдага олиш) қолдирилсин (дивидендлар миқдори илова қилинади).

(ёқлайман – 353 228 овоз – 100%; қаршилар ва бетарафлар - йўқ)

19. Кун тартибдаги ўн тўққизинчи масала бўйича:

Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (фонди) ташкил этилсин.

(ёқлайман - 353 228, қаршилар – ва бетарафлар - йўқ)

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Т.Абидов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси:

Т.Абидов

Котиб:

Э.Султонов

Баённома тузилган санаси: “ ____ ” “июнь” 2018 йил.